



Чоршанба

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

3

4

2005 йил — мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили бўлади

Гаров — мажбурият демақдир

Мутасаввиф Макхул ан-Насафий

Сайробнинг сири...

Хивадан Япониягача...

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Татьяна КРАВЧЕНКО олган сурат.

## СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Президент Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртошлар!

Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуг айём — Конституция-мизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузачимиз билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Конституция-мизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституция-миз кафолатлаб берган вазифалардан энг муҳими — халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қилаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмоқчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кечган йўлимизга бир назар ташлалик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёқлама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодий мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров ошмаш ётказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёж-миз учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроги, жумладан, галла ёки ун, шакар, гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб, ҳатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий саноат молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилик эсидан чиқаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодий, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, уларга юксак технологияларни жорий этиш, шу асосда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқро бозордаги рақобатга бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни талаб қилди.

Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиб, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларига

қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиётни қуриш биз учун бугун ҳам осон кечаётгани йўқ, десак, бу ҳам айна ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон топмоқда.

Албатта, иқтисодийдан узоқ бўлган баъзи одамлар назарида ойлик иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туюлиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлик иш ҳақи даражасини қайта-қайта кўпайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқатни, яъни маошларнинг ошиши билан бозорда сотиб оладиган мол-товарлар етишмас, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навоини оширишга олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатида нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимизни мисолида гувоҳ бўлган эдик.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда.

Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилаётган тўзғариш ва ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суьратлар билан ўсиб бораётганини, сўнгги беш-олти йил мобайнида макроиқтисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқро иқтисодиёти ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Ислохотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютани мустақамлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйди.

Давоми 2-саҳифага

## БУЮК ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан 7 декабрь кун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали ишғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сийсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкамаси янграйди.

Конституцион суд раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Конституция-миз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва таъминларни, олдимишга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқро майдонда ортиб бориши замирида Конституция-миз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституция-мизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Зеро, Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданқон инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жаба-

ҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ислохотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг бунданда фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Юртобшамиз бошлаган ишларимизни кенг қўллаб, жадал суьратлар билан давом эттириш борасида олдимишда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди.

Неча йилдирки, халқимиз янги йилни янги бир ном билан кутиб олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бундай эзгу аънада замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотулиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва муруват туйғуларини юксалтириш ҳисси муҳассам.

Яқунга етаётган Меҳр ва муруват йилида юртимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур юртошларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили, деб эълон қилишни тақлиф этди. Юртобшамизнинг бу тақлифини йиғилганлар гулдрос қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан яқунланди.

ЎЗА

### Қоил, замондош!

### ЧИРОҚЧИНИНГ КЕКСА ПОЛВОНИ

Қашқадарё вилояти

Чироқчилик полвон Абдурашид бобо Мирзаевни Қашқадарёнинг фахри дейишди. Аслида ҳам шундай. Бобо 64 ёши қоралабдики, ҳали ҳам кураш тушади, ўз тенгқурлари ўртасидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келади.

Абдурашид Мирзаев ҳозирда Республика болалар ва ўсмирлар кураш мактаби Чироқчи туман филиалининг бош мураббийси сифатида фарандалримизнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб камол топишида ўз куч-ғайратини аямаяпти.

Полвон ўтган йил пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида бўлиб ўтган «Маҳалла» полвонлари» Республика турнирида энг юқори ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлган эди. Яқинда эса Абдурашид полвон Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида бўлиб ўтган самбо кураши бўйича жаҳон биринчилигида катнашиб, 32 мамлакатнинг фахрий полвонлари орасида кумуш медал соҳиби бўлди. Шунингдек, 30-31 октябр кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темури хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш бўйича



СУРАТДА: кекса полвон Абдурашид Мирзаев кенжа полвонлардан бирига курашдан сабоқ бермоқда.

халқро турнирдаги муваффақиятли иштироки учун рангли телевизор билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, А.Мирзаевнинг юртимиз спорти довуғини ошириш ҳамда ёш авлодни жисмонан баркамол инсонлар сифатида воёга етказишдаги хизматлари бекиёс. Полвонга Устоз ва мураббийлар кун муносабати билан Президентимиз томонидан 14 миллион сўмлик «Кураш татами»си берилиши ҳам унга булган юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг яққол эътирофи.

Ҳа, Абдурашид Мирзаев ҳар соҳада ижодкор. У катта давраларда ўзбек кураши довуғини, ўзи туғилиб ўсган маҳалласи, юрти шаънини ҳимоя қилиш билан бирга қалам «юки»ни ҳам гарданига олган. «Курашнинг қайта туғилиши», «Нортожи полвон» номи китоблари А.Мирзаевнинг кўп йиллик изланишлари самараси.

## Mahalla



— Яна нима дейди?  
— Янги йилда халқ саломатлигига катта эътибор берилар экан, — дейди.

### Расмий хабар

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

И.Р.Эргашевни Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исматилла Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 декабрь.

### "Mahalla" хабарлари

## ЮКСАЛИШНИНГ ЮКСАК ОМИЛИ

У «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланаётган лойиҳаларда ўз аксини топмоқда Кўп йилдирки, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси мамлакатимизда турли спорт мусобақаларини, оммавий, маданий тадбирларни ўтказишда ташкилотчилик қилиб келади.

Хусусан, жорий йилда юртимизда «Чимён—экстрим», «Экстрим—ғиёҳвандликка қарши», «Эко—2004» номили сноуборд, тоғли слалом, скейтборд, муздан юқорига чиқиш ва бошқа экстримал спорт турлари бўйича мавсумий, аънавий фестивалларнинг ўтказилишида жамғарма алоҳида ташаббус кўрсатди.

Шунингдек, жамғарма томонидан экстримал спорт турларини оммавийлаштириш мақсадида «Янги чўққилар — янги горизонтлар» лойиҳасининг қўллаб-қувватлаши бу борада катта имкониятлар ашигининг очилишига сабаб бўлди. Қувонarli томони ушбу лойиҳа асосида ҳаюртимиз Дилмурод Тиллаҳужаев жорий йилнинг май-июнь ойларида «Алп—Индусрия» халқро экспедициясида катнашиб, дунёдаги энг баланд чўққи — Жамолунгма (Эверест)ни забт этишга эришди. Бу эса барча ўзбекистонликлар ҳаётда унутилмас воқеага айланди.

Яқинда пойтахтимиздаги «Шероат» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбирда яна бир янги лойиҳанинг тақдими бўлиб ўтди. «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланган мазкур лойиҳа «Эверст—2005» деб номланган бўлиб, унда келгуси йилда баландлиги 8848 метр бўлган Эверест (Жамолунгма) чўққисига юксалиш кўзда тутилган.

Жамғарма ҳомиёлиги ва ташкилотчилиги билан амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар юртимизда экстримал спорт турларини оммавийлаштиришда ҳамда ёш авлод қалбида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, интилувчанлик туйғуларини шакллантиришда ўзининг самарали улушини қўшии шубҳасиз.

Ф.БЎТАЕВ,

«Mahalla» муҳбири.

Самарқанд вилояти

## КАПТАРХОНАДАГИ ГАВЖУМ ГУЗАР

«Маҳалла» жамғармаси Булунгур тумани бўлишмаси жамоаси жорий Меҳр ва муруват йили муносаб ютуқлар билан жақулламоқдалар. Бунда тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг салмоқли улуши бор.

Айниқса, Навоий номи қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Каптархона маҳалласида ўтган йили қуриб фойдаланишга топширилган «Маҳалла» маркази» белгиланган режаларни амалга оширишда кенг имконият яратди. Шунингдек, маҳаллада яшовчи саховатпеша инсонлар ва аҳоли кўмаги билан маданият уйи, кутубхона очилди. Бичиш-тиқиш цехи ташкил этилиб, ёшлар ишга жалб эилди. Спорт билан шуғулланувчилар учун волейбол ва баскетбол майдончалари қуриб берилди.

«Маҳалла» жамғармаси Булунгур тумани бўлишмаси раиси Абдуразақ Саримсоқов, айниқса маҳалла футболчилари эришаётган ютуқлар ҳақида тўқилганиб гапирди. Тумандаги Ҳасим Жўрабеков номи маҳалла футболчилари рақибларини бирин-кетин энгиб, республика чемпиони деган шарафли номи мушарраф бўлдилар.

— Кураш давом этади, — дейди жамоа раҳбари Анвар Юсупов. — Айни кунларда янги мавсумга ҳозирлик кўраямиз. Жамоамизнинг 18 нафар ёш футболчилари ҳар кун «Дийёр» ўйингоҳида машғулотлар олиб бормоқда. Ҳомийларимиз — «Афросиёб» қўшма корхонаси, туман йўл қурилиши ҳамда галаштириш идоралари бизга моддий ва маънавий томондан маддадор.

Пардабой ТОҶИБОВЕВ,  
«Mahalla» муҳбири.

### «Обуна — 2005»

«Mahalla» газетаси — ҳар бир фуқаролар йиғинининг энг яқин, энг мақбул дастёри. Бун бугун йиғинларнинг ҳар бир фаоли эътироф этади. Шундай экан, «Mahalla»га обуна бўлишни асло пайсалга солманг, азиз муштарий!

## Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» ҳисдорлиги жамияти

«М.Р.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

# СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БУЛАДИ

## Президент Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

### Авалло 1-саҳифага

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий хомаш асосида сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайиши — буларнинг барчаси хоржий инвестициялар келишининг кескин кўпайишига, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг жиловланишига, олтин-валюта захираларининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўммизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, Ўзбекистон аҳолиси сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионлик маррани эгаллаш кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охириги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта кўпайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимиз эвазига жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофидан ошмади.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлмиш аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсди. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётимизнинг тобора мустақам бўлиб бориши олдинда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларни ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларни изчиллик билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

**Азиз дўстлар!** Ҳеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз тўғрисида эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга ғайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг қўламда, жадал суратлар билан давом эттиришга даъват этади.

Қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нималарга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

**Биринчидан** — бошлаган ишотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодиётимизда хусусий мулк улушини ошириш, мулк эгалларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча гов-тўғаноқларни олиб ташлаш.

**Иккинчидан** — одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгариштириш, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идораларининг иқтисодиётга ноқонуний аралашувини чеклаб қўйиш, қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиш янада барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммамизга маълумки, йил бошидан бунён 7 та вилоятимизда маҳаллий кенгашларнинг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Шуни катта афсус билан қайд

этиш керакки, ана шу сессияларда Конституциямиз белгилаб берган талаб ва мезонларга амал қилиш, жойларда, шуни тақдор айтишга тўри келади, халқимизнинг, авваломбор қишлоқларда яшайдиган одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ечиш, уларнинг аҳолидан ўз вақтида хабардор бўлиш, орзу-умидларини рўйбга чиқариш, адолат устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина нуқсон ва камчиликлар мавжудлиги аён бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш ўқда турсин, қонунни кўпол равишда бузиш, аввало ўз манфаатини кўлаб, ўз вазифасини суистеъмол қилиши ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора кўрилади, тегишли-тадбирлар ўтказилапти.

Лекин мансабдор шахслар фаолиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва хунук мисоллардан бутунлай воз кечинишнинг энг муҳим, таъсирчан воситаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик ва фуқаролик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Масалани айнан шундай қўйишни барчамиз кутаётган, 26 декабрь кун Олий Мажлиснинг Қонунилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳам тақозо этади. Ушбу сайловлар арафасида, шаҳар ва қишлоқларда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётган хозирги пайтда мана шу масалани, яъни жамиятимизда ижтимоий ва фуқаролик назоратини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйишни ҳаётимизнинг ўзи талаб этмоқда.

Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидаги бурчинини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча инсохот ва янгиликни жараёнларини ўз назорати остида, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади.

**Қадри юртдошлар!** Биз бундан бир йил аввал халқимиз, жамоатчилигимизнинг орзу-интилошлари, тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилни диёримизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустақамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат экани сизларга яхши маълум.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун йил давомида кўп-кўп ишлар бажарилди. Албатта, бу дастурдаги тадбирларни ижро этиш бўйича жойларда тегишли ҳисоботлар берилди.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб бажарилган дастурнинг асосий нуқталарига тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, шуни таъкидлашимиз керакки, дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм хомийлар маблағи сарфланган. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқдосини тасаввур қилиш имконини беради, деб ўйлайман.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича белгиланган кенг қўламли тадбирлар ижроси ҳақида гапирганда, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияла-

нувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишқи кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилгани айниқса ибратлидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйлари учун 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи хомийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айни пайтда 134 миң нафар ногирон бола тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларнинг соғлигини мустақамлаш чоралари кўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чунинчи, ЮНИСЕФ, «Ворлд концерн», «Ентраг», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шулар қаторида «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти кўмағида Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятларидан 156 нафар боланинг Германияда жарроҳлик усули билан даволаниши ташкил этилди.

Жорий йилда 1 миллион 665 миң нафардан зиёд пенсионерлар, 535 миңдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер қўриқидан ўтказилгани, кўпбад эҳтиёжманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм хомийлар маблағи жалб қилинган бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Бугунги кундаги долзарб масала бўлмиш оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида барча вилоят ва туманларда, биринчи галда, умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ва иншоотлари барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича кенг қўламда иш олиб борилмоқда.

Агар бу йўналишда 8 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳажмини тасаввур этиш қийин эмас.

**Хурматли дўстлар!** Бугун «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларини амалга оширишда, уларга алоҳида маъно ва тарбиявий-ахлоқий, инсоний мазмун-моҳият бахш этишда улкан ҳисса қўшган маҳалла идоралари, маҳалла аҳолининг хизматларини алоҳида эслаб ўтиш лозим.

Халқимизга хос бўлган ҳашар йўли билан маҳалла ва гузарларни обод қилиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш сингари эзгу аъёнларнинг давом эттирган ҳолда, 1 миңг 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 миңг 100 та маҳалла гузари, 275 миңг маиший хизмат хошобчалари хомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди ва янгитдан бунёд



қилинди. Шу борада Тошкент ва Бухоро вилоятларининг чекка қишлоқларида боқувчисини йўқотган аёллар ва ногирон ёшларга мўлжалланган, зарур қулайликларга эга бўлган ишлаб чиқариш-ўқув марказлари ташкил қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Хозирги пайтда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай марказлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Жиззах шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун турар-жойларга ва маиший хизмат кўрсатишга эга бўлган «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг қуриб битказилгани эътиборга сазовор.

Бу йил Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юртимизда кенг миқёсда ўтказилган умумхалқ ҳашарларидан тушган қарийб 4 миллиард сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободлаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш каби эзгу ишларга сарфланмоқда.

Йил давомида азим пойтахтимиз Тошкентда, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизга, буюк аждодларимизнинг муқаддас қадимжоларига 150 миңдан зиёд кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул зиёратлар уюштирилгани ҳам меҳр-мурувват деган юксак ва олижаноб тушунчаларни кенг маънода ифодалайди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бундай мисолларни ана кўплаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган го, яъни жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган давлат миллионлаб юртдошларимиз қалбига акс садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига қорлагани барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу минбардан туриб, шундай олижаноб ишларга ҳисса қўшган барча меҳнат жамоаларига, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, саховатли юртдошларимизга, хоржий ташкилотлар вакиллари ва чет эллик ҳамкорларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният етказди.

Албатта, бизнинг бу йўлдаги мақсад-муддао ва савий-ҳаракатларимиз фақат ушбу дастур билан чегараланиб қолмайди. Бу масала юртимизда яшайётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги узоқ ва давомли стратегик вазифаларимизнинг узвий бир қисми сифатида кейинги йилларда ҳам албатта изчил давом эттирилади.

**Мухтарам юртдошлар!** Бу дунёда ҳаёт бор экан,

одамзот тинч ва фаровон, бахтисаодатли умр кечирishi орзу қилади. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида махсус дастур амалга ошириляётган халқимиз, жамоатчилигимиз элбатта хабардор.

Жумладан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олиб бориляётган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида узоқ гапирish мумкин.

Айни пайтда бу соҳада қўлга қилинган ютуқлар билан бирга, хали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Албатта, аҳолимизнинг соғлиғини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади. Табиийки, бу харажатларни

аниқлаётганда нафақат медицина соҳаси ва унинг эҳтиёжини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқимиз ҳаётига алоқадор бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг ечимини ҳам



инобатга олишимиз зарур. Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиғи кўп ҳаётдан авваломбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, табиий тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Бундай қараш ва муносабатларни ривожланиш давлатлар, инсон ҳаётининг қадрига етдиладиган, халқ соғлиғини том маънода юртнинг ҳақиқий бойлиги деб биладиган мамлакатлар мисолида кўриш қийин эмас. Масалан, Японияни олайлик. Хозирги кунда бу мамлакатда юз миңдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар истикомат қилади. Бу — дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Лекин шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Япониянинг бундай натижага эришгани тасодиф эмас.

Албатта, бу ютқунинг ўзига хос шартлари ва омиллари бор. Авваломбор, миллий қадриятларга ҳурмат, жамиятда ҳужм суратган тинчлик ва осойишталик муҳити, фаровон ҳаёт, маданий савиянинг юқорилиги, ижтимоий соҳанинг юксак даражага қўйилгани, бу масалаларда давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида экани бунга асос бўлганини аниқлаш қийин эмас. Аммо буларнинг барчасини тарозининг бир палласига қўядиган бўлсак, ўйлайманки, унинг иккинчи палласини босадиган нарса — бу япон халқининг ҳаёт тарзини, ҳаёт кечирishiни тўғри ташкил қилиши, ўз саломатлигига бўлган оқилона муносабатидир.

Азиз дўстлар, шу маънода, узоқ йиллар давомида онгимизга чуқур сингиб қолган бир тушунча борки, биз ундан имкон қадар халос бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

Ўзимиз бир тасаввур қилайлик — одамзот туғилади, вояга етади, бир умр тинмай меҳнат қилади, ҳар кун, ҳар доим албатта қандайдир муаммонини ечиш билан банд бўлиб яшайди. Лекин, бир зум бўлсин, тўхтаб, орқасига қараб, эй биродар, ахир, умр дегани оқар сувдек ўтиб борапти, мен ҳам инсон бўлиб, орзу-умид билан дунёга келиб, ўзим учун ҳам яшашга, шу ҳаётдан баҳра олишга вақт тополдимми, деб ўйламайди.

Кўпчилигимиз, майли, энди бизлар кўрмаганини болаларимиз кўрсин, бизнинг давримиз ўтди — болаларимиз яшасин, деган фикр билан ҳаёт кечирамиз. Албатта, бунинг фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту саодатини ўйлаб, чин дилдан тилаймиз.

Бундай муносабат ва эзгу тилаклар билан яшаш, албатта, миллатимизга мансуб табиий бир ҳол. Лекин, шундай қараш билан бирга, халқимизда кенг тарқалган яна бир олижаноб, чуқур маънолик ҳаёт борки, у ҳақда гапирмасдан, уни эсга олмасдан бўлмайди.

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор қўришганда, дуога қўл очиб, илоийм, умрингиздан берака топинг, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

одамининг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан биров холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшаш керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига аввало ўзи етиб борса, фойдадан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашуви ҳаётимиз қоғдасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман.

**Қадри ватандошлар!**

Кириб келаётган янги йилмизга ном беришда ҳар сафар сизлар билан маслаҳатлашиб, бугунги ҳаёт олдимизга қўётган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишимиз ўзига хос яхши бир одатга айланиб қолди.

Мен юқорида айтилган фикрларни, мақсад ва вазифаларни назарда тутиб, Янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили деб эълон қилишни тақлиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибага кўра, биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва маънавий базани мустақамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган муҳтарам нурунийлар, пенсиядорларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечирishiлари учун зарур шарт-шароит яратиш бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келишган олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтай назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрин олиши лозим.

**Хурматли юртдошлар!**

Янги йилнинг мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққий этишида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

Нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай муҳим масалани кун тартибига қўяр эканмиз, биз бунга, мавжуд қийинчиликларга қарамадан, мамлакатимизнинг тараққий этишида ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ортиб, салоҳиятимиз, имкониятларимиз тобора ошиб бораётганининг яна бир белгиси ва тасдиқи сифатида қабул қилишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ўзимнинг охирида яна тақдор айтмоқчиманки, инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади.

Бундай эзгу орзу-мақсадлар учун ҳам давлат, ҳам жамият, ҳам шу юртда яшайётган одамларнинг куч-қудрати ва ҳиссасини бирлаштиришимиз зарур.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куну

# ИНСОН ЭРКИ ДАХЛСИЗДИР

## Бу халқаро тамойил Конституциямизда ҳам ўз аксини топган

**Мамлакатимизда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абдулоқиб Фикдувоний, Баҳоуддин Нақибанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб алломаларимизнинг бебаҳо меросига муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Дин ва виждон эркинлиги" масалаларига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, унда Ўзбекистон ҳудудига яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросининг миллати, ирки ва динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, диний ташкилотлар ва бирлашмалар қонун олдида тенгдирлар.

Асосий Қонунимизнинг муҳим бандларидан бири — Аллоҳ таоло томонидан берилган улугъ неъмат — инсоннинг ҳаёти ва ҳуқуқлари ҳақидадир. Унда фуқароларнинг манфаатлари қонуний равишда мустаҳкамланган ва қатъий кафолатланган.

Диёримиз мустақилликка эришгандан сўнг, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Динга ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Диёримизда кулпаб масжидлар очилди. Хукуматимизнинг жорий йилдаги "Ҳожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, "Баҳоуддин Нақибанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик, маънавий коммуналка чорловчи гоёларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига сингдириш ҳамда ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Жорий йилда мамлакатимизда амалга оширилган хайрли ишлар қаторида Президентимиз Фармони билан фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Фармон ижроси юзасидан амалга оширилатган тадбирлар аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавий савиясини

тетида таълим олмақдалар. Маълуминики, юртимизда бир қанча алломаларимизнинг таваллудларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди ҳамда улар шарафига меъморий обидалар барпо этилди.

Ўтган йили мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл кўнгидаги айни муддао бўлди. Мазкур Қарор диний билим юрларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътифоз этилишини таъминлайди.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини қўлаб қўлаб қилинган мазкур тарихий қарор уламо ва имом-хатибларимизни ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сийқидилдан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини фуқароларга етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Ислом динида Ватанга, эл-юртга садоқат тушунчаси жуда улуғнади. Мана, яқинда республикамиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Жорий йилда ҳукумат комиссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбари ва маъсул ходимлари жазони ўташ жойларида бўлиб, жамоат ҳавфсизлигига қарши қилинган ишларни озодликдан маҳрум этилганлар билан бир неча маротаба суҳбатлар ўтказдилар. Аксарият ёшлар алданганликларини эътироф этган ҳолда келажакда она Ватан ва халқ олдидаги айбларини ювиш учун садоқат билан эл-юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиб, осяишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилиш, деб сўраймиз.

Яратган Парвардигордан юртимизга тинчлик, осяишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилиш, деб сўраймиз. Аллоҳ таоло булун дунё халқларига тинчлик, хонадонларимизга файзу барака, сийҳат-саломатлик, офият ато қилсин.

**Ҳожи Абдуразоқ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси.**

### Қашқадарё вилояти

Яқинда **Ғузур туманида фаолият кўрсатаётган 35 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маъсул котиблари Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими қошида ташкил этилган "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий марказида ўқувга жалб этилди.**

## "МАҲАЛЛА ЗИЁСИ" ТАРАТГАН ЗИЁ

Бир ҳафта давом этган машғулотларда фуқаролар йиғинларининг 70 нафар раҳбар ходимлари малака оширидилар. Ўқув давомида "Миллий истиқлол гоёси — Ўзбекистон халқининг фуқаролик жамияти, юксак тараққиёт этган давлат барпо этиш йўлидаги бирдамлиги ва аҳиллиги асосидир", "Ўзбекистонга ҳавф солаётган ички ва ташқи таҳдидлар, коррупция ва жиноятчилик, уларнинг олдини олиш йўллари", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабати", "Олий Мажлисга сайловлар — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги муҳим босқич", "Ўзбекистонда давлат ва диннинг ўзаро муносабати", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши" каби мавзуда Қарши Давлат университети ва Қарши иқтисодиёт-муҳандислик институти олимларининг маърузалари тингланди.

**Саъдулла ЎЛЖАЕВ,**

"Маҳалла" жамғармаси Ғузур тумани бўлими раиси.

### Фарғона вилояти

боғ, Янги чорсу, Новойлик маҳаллаларида лойиҳа асосида ички йўллар асфальтланди, мактаблар таъмирланди, маҳалла гузарлари қурилди ва канализация қувурлари ўтказилди.

Вилоят марказидан анча узоқда жойлашган Сўх туманининг Янгиарик маҳалласида янгидан врачлик пункти қурилди, 2, 22-мактаблар бинолари тўлиқ таъмирланди. Ёзёвон туманининг Такалик қишлоғига табиий газ олиб борилиди ва хонадонларга тарқатилди. Фарғона туманининг Бўстон маҳалласи учун янги бино қурилди. Риштон туманининг Қози Аҳрор, Ўзбекистон туманининг Катта тағоб маҳаллалари йўллари асфальтланди.

Учкўприк туманининг Сарикўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тожик маҳалласида бошланган гузар қурилиши бир неча йилдан буён маблағ йўқлиги сабабли тўхтаб турарди. Мерси Ко лойиҳаси асосида гузар қурилиши ўтган Обод маҳалла йилида ниҳоятга етказилди. Бешкала маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда, йўллари асфальтлаш, 8-мактаб биносини таъмирлаш, маҳалла биноси қурилишида ҳам ҳамкорларнинг беминнат ёрдамлари катта бўлди.

**Қодир ШОДМОНОВ,**

"Mahalla" муҳбири.

### Сурхондарё вилояти

лотчилик билан кўркам бир зиёратгоҳга айлан-тирилди.

Мунчок маҳалласи аҳли ўз раислари Худоёр Тўраев меҳнатидан миннатдор. Оқсоқолнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари меваси сифатида дастлаб беш хонали идора биноси қад кўтарди. Барча иш ҳашар йўли билан бажарилди. Қурилиш анжомлари харажати миқдорларнинг ўзлари кўтарди. Маҳаллага табиий газ ўтказиш ҳам осонликча амалга ошмади. Раис ҳафта-ўн кунлаб шаҳар кезди, қувур, газ тақсимлаш ускуналари излади. Меҳнат самарасиз кетмади. Маҳаллада зангори олов қувурлари кириб бормаган хонадон қолмади. Фуқароларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам, кўчаларни таъмирлаб, раванлаштириш ҳам, хонадонларда саранжом-сариманча эришиш ҳам Худоёр Тўраев ва унинг атрофида жипс-лашган серғайрат фаоллар тўққан пешона те-рининг маҳсули.

Маҳалла аҳли бой бўлса, раис режалаштир-ган ишлар тезда амалга ошиши тайин. Улардан бири Ҳўжабулғон қишлоғини галлаштириш эди. Бу иш узоққа чўзилмади. Маҳалла оқсоқоли Хусан Ғаниев ташаббуси билан аҳолининг 98 фоизи табиий газ билан таъминланди. Ҳўжабулғон ота зиёратгоҳига макбара қурилди. Ундаги қабростон тош девор билан ўраб олинди. Катта йўл ёқасида жойлашган уч юз метрлик хароб аҳолидаги паҳса девор ўрнига мустаҳкам девор қурилди. Маҳалла раиси қишлоқ ишларига ҳам ғамхўрлик қилди. Тўла-тўхис таъмирдан чиқарилган спорт ўйингоҳи улар ихтиёрига топширилди. Энди оқсоқол маҳалла аҳлини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш муаммосини ҳал қилмоқда.

Ҳа, Сайроб қишлоқ фуқаролар йиғини та-сарруфидоғи маҳаллаларда амалга оширилатган хайрли ишларнинг чеки йўқ. Энг асосийси, савоё ишга энг шимарган ташаббускор оқсоқоллар, фаолларнинг саъй-ҳаракати билан сайробликлар тўқ ва фаровон турмуш кечирапти. **Омон ШУКУРОВ,** "Mahalla" муҳбири.

**Бизга маълумки, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш неустойка, гаров, мол-мулкдан уш-лаб қолиш, кафилилик, кафолат ва зақолат каби усуллар билан амалга оширилади. Бу усуллардан бири — гаровдир.**



## ГАРОВ — МАЖБУРИЯТ, БУРЧ, РАҲН...

### ГАРОВ ТУШУНЧАСИ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ ВА ШАРИАТ НОРМАЛАРИДА

"Гаров" сўзи аслида форс тилидан олинган бўлиб, у "мажбурият" деган маънони аңглатади. Гаровнинг моҳияти шундан иборатки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаганида кредитор ўз талабин гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундириш имкониятига эга бўлади. Қонунчилигимизга асосан гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Қонунда назарда тутилган ҳолларда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқлангани ва шундай рўйхатни юритувчи давлат идорасида қайд этилиши лозим. Гаров тўғрисидаги шартнома, уни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этилмаган ҳолларда шартнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Гаров шартномасини рўйхатдан ўтказишда унинг қийматига ҳам эътибор берган ҳолда тегишли адлия органларида рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган.

Шариатда эса барча фикҳий атамалар лугавий ва истилоҳий (ҳуқуқшунослар иш-латадиган) тушунчалар орқали изоҳланади. Гаров араб тилида "раҳн" деб юритилади ва турли манбаларда унга турлича таъриф берилди. Бурхониддин Марғинонийнинг машҳур "Ал-Ҳидоя" асариде ва ушбу асарнинг шарҳи "ал-Кифоя фи шарҳил-Ҳидоя" номли асарда (муаллифи Сайид Жалолиддин ибн Шамсиддин Ал-Ҳоразмий Ал-Қурлоний) гаров (раҳн) тушун-часига қуйидагича таъриф беради:

а) лугавий маънода — бирор сабабга кўра муайян ашёни ушлаб туриш;

б) истилоҳий маънода — муайян ашёни зиммасидаги ҳақни бажартириш мақсадида саклаб қўйишдан иборат.

Қуръони Каримда "Бақара" сурасининг 283-оятда шундай ёзилган:

"Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг!"

Ҳадиси шарифларнинг бирида эса: "Пайғамбаримиз (САВ) бир ҳудуддан 30-соъ арпани насияга сотиб олдилар ва унга темир совутини гаровга қўйдилар", дея ҳикоя қилинади.

Шариатга кўра, гаров шартномаси озгаки равишда ўзаро ризолик асосида топ-шириш ва қабул қилиш лафзлари орқали тузилади. Гаровга қўювчи шахс: "Ўз зим-мамда сенга қарзим борлиги тўғрисида бу нарсани гаровга қўйдим", — дейди. Га-ровга олувчи шахс эса: "Сенга берган қарз тўғрисида сендан ушбу нарсани гаров сифатида қабул қилдим", — дейди.

Қурииб турибдики, замонавий қонун-чилик ҳам, шариат аҳқомлари ҳам ҳар бир жамият аъзолари ўртасида бўладиган тур-ли муносабатларда ўзаро ризоликни асос қилиб олади ва шахсий мулкнинг дахлсиз-лигини кафолатлайди. Шунингдек, гаров шартномасини тузишда ижтимоий муҳит ва урф-одатлар ҳам назарда тутилади.

**Ихтиёр БОБОНАЗАРОВ,**  
Тошкент Ислам университети талабаси.

## СИНОАТЛИ КЎҲНА ҚИШЛОҚ

**Осмонўпар Суевиз тоғининг шундоққина биқинида Сайроб қишлоғи жойлашган. Бойсун туманидаги бу кўҳна қишлоқ қадимда "Сайлоб" деб аталган. Бу бежиз эмас. Атрофи тоғ-тош, чағатлардан иборат масканнинг қоқ сийнасида ёнма-ён икки булоқ кўз очган.**

Айтишларича, чашма мўъжизавий хусусият-га эга. Унда баликлар бисёр. Аммо баликлар-ни ҳеч ким тутмайди, истеъмол қилмайди. Буюк ипак йўли ҳам Сайробни кесиб ўтганлиги боис булоқ атрофидан одам аримайди. Қадимда ҳам қишлоқ одамлари ҳайитларни булоқ бошида ўтказишган, сайлга чиқшган.

Ҳа, Сайробнинг тарихи узун. Бу ерда кўкка бўй чўзиб турган уч мўйсафид чинор бундан ёркин далолат беради. Тахмин қилишларича, уларнинг ёши минг йилга баробар. Ҳар бири-нинг баландлиги 26-30 метр, танасининг бўйи ўн метрга яқин. Чинорнинг бағри очик, қаваги-нинг баландлиги етти метрни ташкил қилади. Дарвоқе, бир вақтлар чинор қавагида эски мак-таб жойлашган. 1920 йилда у қишлоқ кенга-шига бошлана бўлган. Инқилоб даврида эса чинор 81-отлик аскарлар полкининг қарорго-ҳига айланган. Қутубхона вазифасини ўтаган, ундан савдо дўкони сифатида ҳам фойдала-нишган.

Ҳозир Сайроб чинорларининг бирида "Ал-помпш", иккинчисида "Барчиной" музейлари ташкил этилган.

Узоқ йиллар ташкилот, корхоналарга раҳ-барлик қилган, малакали мутахассис Рўзбой Султонқулов Сайроб қишлоқ йиғинига раис этиб сайланган, бу ерда ободончилик ва бунёдкор-лик ишлари жонланиб кетди. Сайроб ширкат ҳўжалиги раиси Холмурод Раҳимов саховатпе-шалликда тенги йўқ инсон. Ҳўжалик қоракўл қўйчиликка ихтисослаштирилган. Ғалла, пахта ва пиллачилик ҳам яқин йўлга қўйилган. Ҳўжаликда тери, гўшт, жун, пахта ва ғалла

тайёрлаш бўйича белгиланган шартнома режа-лари ошиги билан худдаланмоқда. Демак, да-ромад ҳам шунга яраша. Унинг қарийб 30-35 фоизи ободончиликка, қишлоқ инфратузилма-сини ривожлантиришга ажратилмоқда. Элли-дан ортиқ ногиронлар, эхтиёжманд кишилар моддий қўлаб-қувватланмоқда.

Сайроб маҳалла йиғинига Абдимўмин Бой-булов раис. Маҳалладаги олти фермер ҳўжа-ликлари, еттига кичик корхона раҳбарлари, учта тегиримончи, дўкнонларнинг ҳам эътибори фуқаролар манфаатига қаратилган. Улар ҳалол меҳнат қилиб топган даромадини маҳалладо-шлари билан баҳам қўришмоқда. Маҳаллада яқка-ёлғизлар ҳам истиқомат қилишади. Маҳалла уларга сунъячқ, мададкор.

Чилонзор маҳалласи аҳли бу ерда янгидан бунёд этилган гузар хизматидан мамнун. Ма-ҳалла суолтирилган газ билан таъминланган эди. Оқсоқол Матқўб Йўлдошев энди табиий газ ўтказиш тадбирларини кўрапти. Бу ишга халқ бош қўшган.

Чилон ота қадамжоси атрофида юз ҳўжалик макон курган. Бу ерда ичимлик суви муаммо эди. Одамлар етарли миқдорда маблағ йиғди. Ишга маҳалла ташкилотчилик қилди. Қишлоқ этагидан ўтган ирмоққа насос ўрнатилди, қувур-лар тортилди. Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бешарқ қишлоғига олиб бора-диган ўйдим-чуқур, қинғир-қийшик йўл ҳашар йўли билан ободонлаштирилди. Натжада яй-ловлар бағрини кесиб ўтган равои йўл вужудга келди. Хомкон қишлоғида жойлашган Қирқб-булоқ ота қадамжоси ҳам ана шундай ташки-

### Олам



## ИМО-ИШОРА БИР ХИЛ, ЛЕКИН...

Маълумки, кўн-далик ҳаётимизда ҳар хил имо-ишора-ларни қўлайимиз. Бу имо-ишоралар-нинг қурилиши бир хил бўлса-да, гекин маъносини ҳар хил.

Масалан, бизда бош ираб маъқуллаш ишора-си Болгарияда умуман акси — инкор этиш маъ-носини аңглатади. Ёки бош бармоқ билан кўрса-тиш бармоғи ёрдамида "О" харфини яша АҚШ ва бошқа айрим мамлакат-ларда "Окей!" ёки "Са-лом!" маъносини билди-ради. Худди шундай бел-ги эса Тунисда биров ҳаётига таҳдид қилиш — "Сени ўлдирман!" деган-и, Францияда эса "Ҳеч нарсанга арзимайдиган иш" маъносини аңглатади.

## ҚИШИ ЭЗДАН ИССИҚ

Хитойлик олим-лар мамлакат ша-рқи-шимолий ҳудуди-да ун оми КВаррат қилемпер кенгай-каси жойини қиши ёз мавсумидан бир-мунча иссиқ бўлиши-ни тасдиқлашди.

Бу ер Ляонинг вилоя-тида жойлашган бўлиб, ёз мавсумида ўртача ҳарорат — 12 даража бўлса, қишда 17 даража иссиқдир. Олимлар таби-атнинг бу фарбий ҳо-диси сабабини хозирча топганларича йўқ.

## ЎХЛАБ ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ

Япониядаги жонни таъминлаш муҳорова қилиш фондига му-стахассислар протес-сионал ҳайрат-чиларга да ҳайаскор ҳайдо-вчиларга айтмоқчи. Бо-шиқариб кетмаёйди у-й-қувчо келиб қолса, са-қин чайнаб тетила-нишга ҳаракат қилиш, деб маслаҳат бермоқдалар.

Улар иш стажи ками-да 15 йил бўлган ҳайдо-вчилар гуруҳи билан таж-риба ўтказганлар. Улар битта сақин чайнаш бир пийла қахвага нисбатан анча узоқ таъсир этиб ту-ришини аниқлаганлар. Ваҳоланки, шу пайтгача қахва уйқони қочирадиган энг яқин усул деб ҳисоб-лаб келинардди.

**М.ИСЛОМОВА**  
тайёрлади.

## Ҳурматли обуначилар!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида қвитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда қарточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдилинг.

## Бугун бўлмаса

### ҚАЧОН?!

**Азиз муштарий!**  
2005 йил учун «Mahalla»га обуна бўлишга ҳали эрта деб ўйланманг. Бугун — обунанинг аини вақти.



Калб мавж

ТИНЧЛИК ЧИН МУДДАО... Маҳалладан бошланади, дўстлар, Ватан, Маҳалламга бахшидадир жон ила тан, Шодликларга, қувончларга тўла маскан, Маҳалламга муҳаббатим чексиз менинг. Савоб ишга бел боғлайди қари-ёши, Меҳмонларга мунтазирдир нон-туз, оши, Аҳилликдан порлаб турар бахт қўёши, Маҳалламга муҳаббатим чексиз менинг. Отаҳонлар эрта тондан қилар дуо, Тинчлик, дўстлик бўлсин, дея чин муддао, Одамлари бир-бирига жони фидо, Маҳалламга муҳаббатим чексиз менинг. Тўй-маърака, байрамларда ўйин-кулгу, Огоҳ бўл, Раҳимжон, элдан ол улгу, Аллоҳим паноҳдир, истиклол мангу, Маҳалламга муҳаббатим чексиз менинг. Раҳимжон КАРИМОВ. Хоразм вилояти.

Алломалар юртимиз

НАСАФАФИК АБУ МАКХУЛ

Бизга маълумки, юртимизнинг ҳозирда Қарши деб номланган шаҳри тарихда Насаф деб аталган. Бу шаҳарда ҳам ўрта асрларда Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро шаҳарларидан каби илм-фан ва маданият кенг ривожланган. „Насафий“ таҳаллуқи билан ижод қилган олимлар ислом динининг турли соҳалари, хусусан фикр, ҳақиқ, тафсир, тарих ва тасаввуф илмлари бўйича самарали ижод қилганлар.


Насафдан ўрта асрларда кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар. Масалан, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг "Китоб ал-қанд фи зикр уламоъ Самарқанд" ва Абу Саъд ас-Самъонийнинг "Китоб ал-ансоб" каби асарларида келтирилган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб фаолият юритганлар. Уларнинг 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлса, 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Урушана, Дабусия, Кушония ва бошқа минтақаларда фаолият олиб борганлар. Ушбу шаҳарнинг Насаф ёки Нахшаб номи билан аталиши юртимизга араб истилочиларининг кириб келиши билан боғлиқ. Кейинчалик мўғул босқинчиларининг Мовароуннахрга юришлари натижасида шаҳар номи Қарши деб ўзгартирилган.

Абу Мутъи Макхул ибн Фазл ан-Насафий ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан ҳисобланган. Унинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул ҳам таниқли олим бўлиб, ханафийлар орасида катта обрў қозонган эди. Набираси Аҳмад ал-Макхулий (989 йил Бухорода вафот этган) ва жияни Абул Маъолий Муътаммид ан-Насафий ал-Макхулий (вафоти — X асрнинг 2-ярми) ҳам ханафий олимлар ўртасида муайян обрўга эга бўлган. Лекин таниқли исломшунос олим Убайдулла Уватовнинг таъкидлашича, ушбу сулола вакиллари орасида ҳеч ким Абул Муъин ан-Насафийчалик (1027-1114 й.) шух-

рат топмаган. Ушбу аллома XI-XII асрларда яшаб ижод қилган ва мотуридия калом мактабининг тараққий топишига мовароуннахрлик ханафий олимлар орасида энг кўп ҳисса қўшган.

Абу Мутъи Макхул ан-Насафий ўз даврида машҳур мутақаллим, фақиҳ, ҳадисшунос ва мутасаввиф бўлган. У Яхё ибн Муъознинг (вафоти — 871 й.) шогирди бўлган ва карромия йўналишининг асосчиси Абу Али Муҳаммад ибн Карром (вафоти — 869 й.) билан бир даврда яшаган.

Макхул ан-Насафий ҳақидаги маълумотлар келтирилган манбаларда унинг "Китоб фи ат-тасаввуф" ва "Китоб ар-радд ала аҳл ал-бидъат вал ахва"дан ташқари яна "Китоб ал-луълия" ва "Китоб аш-шувъ" каби асарлар ёзганлиги таъкидланади. Турк тадқиқотчиси Фуад Сизгин "Китоб фи фазл Субҳон Аллоҳи" номи асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди. Лекин олмон тадқиқотчиси У.Рудольф Макхулнинг бизгача атиги учта асари сақланиб қолганлигини таъкидлайди ва асосан унинг "Китоб ар-радд" номи асари ҳақида кўпроқ маълумот беради. У.Рудольф дастлаб Макхулнинг "Китоб аш-шувъ" асари ҳақида ҳўталади. Қайд этилишича, ушбу асар кўлэма ҳолатида бўлиб, ханафий фикрга бағишлаб ёзилган. Унда Макхул намоз ўқиш тартибидидаги ихти-



лофли бир масала ҳақида сўз юртади. Бу билан у фикр мактаблари ўртасидаги мунозарали масалага қўл уриб, унга шу даражада қизгин тус берадики, бу мунозара ҳатто XIV асрда ҳам давом этади.

Макхул ан-Насафийнинг ҳаёти ҳақида кўлэма манбаларда маълумотлар деярли учрамайди. Айрим манбаларда унинг ҳижрий 318, мелодий 930 йилда вафот этганлиги қайд этилган.

Макхулнинг "Китоб ар-радд ала аҳл ал-бидъат вал ахва" номи учинчи рисоласи бевосита илоҳиёт масаласига алоқадор. Ушбу асар муслмон илоҳиёт адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган, унинг пойдеворини ташкил этган қимматли асарлардан ҳисобланади.

Алломининг илмий меросини тадқиқ қилган олимлар уни мутақаллим ва фақиҳ сифатида эътироф этганлар. Лекин Макхул ан-Насафийнинг калом ва фикр илмидан ташқари тасаввуф билан ҳам машғул бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунга "Китоб фи ат-тасаввуф" ва "Китоб ал-луълия" асарлари далил бўла олади. Биринчи асар, номидан ҳам кўриниб турибдики, тасаввуф илмига оид асардир. Тадқиқотчи С.Оқилловнинг хабар беришича, Насафийнинг "Китоб ал-луълия" асари ланд-насиҳат тарзида ёзилган асар ҳисобланади. Унда Аллоҳга манзур бўлиш, зоҳидлик ҳақида гап боради, диёнати ҳаёт кечирish учун нималарга амал қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилади ва амали инсон тушунчаси аниқ очиб берилади. Демак, ушбу асарни ҳам биз тасаввуф илмига оид деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ушбу икки асардан шундай хулосага келиш мумкин: Макхул ан-Насафий ўз даврида кўзга кўринган мутасаввиф олим сифатида ҳам эътироф этилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Фақат бунини унинг юқоридидаги тасаввуф илмига оид ёзилган икки асарини, тадқиқ қилиб исбот қилиш керак бўлади.

Муниса ШОЖАЛИЛОВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институти магистранти.

Ёшлар эътирофи

Маҳалламиз номи жуда гўзал: Боғишамол. Юнусобод туманида жойлашган кўркем маҳалламизда тўртта боғча, битта мактаб бор. Мактабимизда турли миллат вакиллари аҳли яшашади. Фахримиз бўлган маҳалла фаоллари биз ёшларга ҳамини мазмунли давра суҳбатлари, учрашувлар, ёшлар ўртасида беллашувлар ўтказишда бош бўлиб туришади.

БИЗНИНГ БОҒИШАМОЛДА...

Яқинда ўтказилган "Балогат остонасида" кўрик-танлови, "Балли қизлар", "Балли йигитлар" мусобақаларига бизнинг устозимиз, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Бекпошша Уллуева бошчилик қилди. "Балогат остонасида" кўрик-танловининг қатнашчиларига маҳалламиз йигини раиси Хушрўй опа Аҳматова эсдалки совғаларини топширди.



ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида каратэ бўйича биринчи Марказий Осиё очик чемпионати якунланди.

СУРАТДА: уч кун давом этган мусобақада ғолибликни кўлга киритган юртимиз вакиллари Ўзбекистон каратэ Федерацияси раиси Нурхон Нафасов билан.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Subscription form for Mahalla magazine with fields for name, address, and contact information.



NOTE: Хурматли обуначилар! Ушбу қитанчи яратилган мақсадда чоп этмоқдамиз. Қитанчи вақасини қирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

ЮРТИМИЗГА САЙЁХЛАРНИ ЧОРАЛАЙЛИК!

Чунки дунёга кўз-кўз қилгулик қадимий қадриятларимиз бор

Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганидан буён туризм соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилади, янги лойиҳалар ишлаб чиқилади. Юртимизга келатган сайёхларнинг сони ҳам йилдан йилга ошиб борапти. Шундай бўлса-да, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп экани кўзга яққол ташланмоқда.


Афсуски, хорижий сайёхларни диёримизга ташриф буюришга тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари замон талабларидан орта қолмоқда. Ахир биз юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича мақбул тақлифлар билан чиқсак, хорижий сайёхлар кўпайса, бундан юртимизга катта фойда бўлиши ўз-ўзидан аён-қу!

Яқинда Хива шаҳрида Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA томонидан туризм соҳасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

JICA фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — хусусий ва жамоат секторларида кадрлар тайёрлаш савиясини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш саналади.

2000 йилда JICA томонидан Ўзбекистонга илк кўнгилчилар — икки нафар япон тили ўқитувчиси жўнатилган эди. Бугунги кунга келиб, 29 та япониялик мутахассис — волонтерлар юртимизнинг турли вилоятларида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Уларга ажратилган икки йиллик фаолият давомида волонтерлар бизнес, япон тилини ўргатиш, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

JICA ташаббуси билан 2001 йилда "Ўзбекистонда ҳудудий туризмни ривожлантириш" лойиҳаси иш бошлади ва шу аснода 10 нафар юрдошимиз Японияда туризм соҳасида малака ошириб қайтишди. Улар кунчиқар мамлакатнинг тарихи, маданияти билан яқиндан танишиб, ҳаётнинг иқтисодий ва маънавий томонларини ўрганиб, барча олган назарий билимларини Осака, Кёто, Токио, Нара, Нагоя шаҳарларининг ўқув марказлари ва туристик мажмуаларида ташкил қилинган амалиёт дав-



рида мустаҳкамлашди. Япон кўнгилчилари ўрдамида "Япон тилини ўрганиш" деб номланган ўқув курслари ташкил этилди.

Бундан бир йил муқаддам, JICA волонтерларидан бири япониялик Мисаэ Шинкава хоним Хивага ташриф буюрган эди.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қоқ бадда Шинкава хоним. — Мен эса Хива шаҳрида ишлайман. Хива иккита қадимий шаҳар — Ичан-қалъа ва Дишанқалъани камраб олади. Уларнинг атрофи қаср деворлари билан ўралган. Лекин вақт ўтиши билан деворлар, ҳар қандай иншоот эскиради, емирилиши бошлайди. Бундай тарихий обидаларни келажак авлодга бут этказиш эса ўта муҳим ва масъулиятли вазифа. Хива шаҳрининг ўзи кичкина. Лекин ЮНЕСКО комиссияси уни Башарият мероси рўйхатига киритган. Шундай экан уни асраб-авайлаш, ҳамда ташриф буюрувчи сайёхларга тўлақонли хизмат кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ургач халқаро аэропортини қайта қуриш ва таъмирлашга япониялик ҳамкорларимиз ҳисса қўшганларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Япониялик сайёхларнинг юртимизга қизиқиши кўчайиб бораётганини "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Токио ва Осакага қатновлар сонини йилдан йилга кўпайтириб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

JICA мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёр. Биз ўзимиз бу борада фаоллиқни кўрсатишимиз, ишларимизнинг самарали бўлишига эришишимиз даркор. Ҳамкорлигимизнинг уфқлари порлоқ экани эса шубҳасиз.

Машхураҳон ТҲҲАМИРЗАЕВА

ЭЪЛОНЛАР

Миллий усуллар асосида даволаётган бўлсангиз ёки бунга қизиқишингиз бўлса, малаканингизни оширишингизда ёрдамлашамиз. Тел: 45-72-55, 41-38-45

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман ДСИ томонидан инспекция инспектори Иноятов Зоҳид Иноятовичга патта йиғиш учун берилган 600551дан-600575гача бўлган патта бланкалари йўқолганини сабабли бекор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Ҳамза тумани филиалига 25 октябрь 1999 йилда берилган 2769072827 рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолганини сабабли бекор ҳисобланади.



Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Ён-ин Ҳавфсизлиги бўлими Сиз азиз ҳамшаҳарлардан ён атрофдаги курак хас-хашакларни ёқиб юбормасликни сўрайди.



КУЙ (21.03-21.04)

Шу кунлар турли кўринишдаги сугурталар билан боғлиқ бўлган молиявий ҳамда шартномавий мажбуриятларни адо этиш учун жуда қулай.

СИГИР(22.04-20.05)

Яқин кунларда вақтингизни ўз билгингизча режалаштиришингиз мумкин, лекин дам олиш кунларини оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ишларингиз бир маромда одатдагидек олғага силжимоқда. Бошқалардан ўзиб ҳам, аксинча, орқада қолиб ҳам кетмаслигингиз тайин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Кўнгил кўчаларида ишқ моҳоросига дуч келиб қолган бўлсангиз, айна кунларда омад сиз томонда. Фақат "Тоққа қикмасанг дўлона қайда..." деганларини унутманг!

АРСЛОН (23.07-22.08)

Дам олиш кунларигача касбий фаолиятингизни бир маромда ташкиллаш олсангиз, дам олиш кунларини анчадан бериб орзулаб юргангиздек ўтказасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда нима ишга қўл урманг, бари бароридан келаверади. Лекин дам олиш кунлари одатдагидек уй ишлари билан машғул бўлганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Молиявий ишларингизни ижобий ҳал этиш учун айна кунлар жуда қулай. Пай-тдан унумли фойдаланиб қолсангиз, дам олиш кунлари хордиқ қиларишга ҳақлисиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Катта ва қиммат буюм харид қилишга аҳд қилган бўлсангиз, бунинг учун айна кунлар вақт — яқшаба. Қолган ишларингиз одатдагидек кечад.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Яқин кунларда сизга қулиб боқадиган омадди вазиятдан унумли фойдаланмоқчи бўлсангиз, маслаҳатларга қулоқ тутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сирли ва хуфя бўлган ҳар қандай маълумотларни илоҳи борица жамоатга ёйманг. Акс ҳолда кўнгилсиз вазиятда қолишингиз мумкин.

КОВФА (20.01-18.02)

Ҳаммаси жойида-ку-я, лекин дам олиш кунлари ўзингизни босиқ тутолмасангиз, оилада ҳам, ҳамкорларингиз ўртасида ҳам анча обрў йўқотасиз.

БАЛИК (19.02-20.03)

Барча сайёх-катларингиз амал пор-ғоналаридан кўтарил-лишга қаратилган экан, бу йилда сирдо-шингиз ва хайрхо-ларингиз бўлиши мумкин эмас.

Mahalla logo and contact information for the editorial office.

Тахрир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳарриф ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бөхбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ФУЛОМОВ.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масьул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.